



# ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал  
2022/1 (№21)

*Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон қадрини учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буюн ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.*

*Албатта, инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадрини деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирishi, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз.*

*Инсон қадрини деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш бериш тушунама.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев**

Журналимизнинг мазкур сонида Ўзбекистон миллий университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт тамойилларини амалга ошириш жараёнининг долзарб масалалари” мавзусида 2022 йил 10 июнда ташкил этилган илмий-амалий анжуман материаллари ҳам чоп этилмоқда.

## Таҳрир хайъати:

**М.Н.Абдуллаева** -

*ф.ф.д., профессор*

**Б.Т.Тўйчиев** -

*ф.ф.д., профессор*

**Ж.С.Рамагов** -

*ф.ф.д., профессор*

**Г.Т.Махмудова** -

*ф.ф.д., профессор*

**В.Р.Топилдиев** -

*ю.ф.д., профессор*

**Қ.Н.Назаров** -

*ф.ф.д., профессор*

**Р.Ж.Рўзиев** -

*ю.ф.д., профессор*

**А.Ў.Ўтамурадов** -

*ф.ф.н., профессор*

**Ў.Ф.Гиладов** -

*ф.ф.д., DSc*

## Бош муҳаррир:

**А.Г.Муминов** -

*с.ф.д., профессор*

Му а с с и с: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
Университети

Таҳририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,

Университет кўч., 4.

<https://nuu.uz/falsafa-va-huquq-jurnali/>

E-mail: [falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz](mailto:falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz)

**ISSN 2181-7294**

**Босишга 20.07.2022 да берилди**

*Бичими 60x84 Offset қоғози. ЎзМУ босмахонасида  
ризографда босилди. “Times” гарнитураси. Хажми 23,75  
б.т. Нашириёт ҳисоб табоғи 30 б.т. Адади 50 нусха.  
Буюртма № 177*

Журнални нашрга тайёрловчилар  
**Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Соқиев**

<b>Каланова С. М.</b>	<i>Жамиятда авлодлар алмашинувининг социологик моҳияти</i>	106
<b>Сейтов А.П., Саидахматова М.К.</b>	<i>Развитие ИКТ в Узбекистане как вектор развития теоретической мысли</i>	110
<b>Мамарасулов У. У.</b>	<i>Sport qoidalarining estetika me'yorlari asosidagi tavsifi</i>	114
<b>Султонова Н.Э.</b>	<i>Ижтимоий ҳаётда фарзанд учун ота-она ибрати, меҳр- муҳаббати ва жамиятда тутган ўрни</i>	116
<b>Абдиев Ғ.Э.</b>	<i>Ёшлар сиёсий онгини ривожлантиришида миллий қадриятларнинг ўрни</i>	123
<b>Уринбоев Д.Т.</b>	<i>Ёшларда ҳуқуқий менталитетни шакллантиришининг фалсафий масалалари</i>	127
<b>Тоғасев Ш.Х.</b>	<i>Миллий гоя ва мафқуранинг фалсафий-онтологик мазмуни</i>	130
<b>Қалқонов Э.Т.</b>	<i>Янгиланаётган Ўзбекистонда гендер тенгликни ривожлантиришининг ижтимоий фалсафий масалалари</i>	134
<b>Бобоқулов Ш.О.</b>	<i>Ер-ҳуқуқий жавобгарликнинг мустақил тури сифатида</i>	138
<b>Ғаффарова Ғ.</b>	<i>Фанлараро ёндашув йўналишлари: фалсафий таҳлил</i>	141
<b>Иззетова Э.М.</b>	<i>Интеграция научных дисциплин в контексте трансдисциплинарной методологии</i>	145
<b>Ботирова Х.Э.</b>	<i>Мустақиллик даврида аграр соҳа мутахассислари учун моддий-маънавий шароитларни яратиши</i>	151
<b>Юсувалдиева Р.Ю.</b>	<i>Умумҳуқуқий тамойиллар – ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида</i>	155
<b>Равшанов А.С.</b>	<i>Қишлоқ ва сув ҳўжалиги учун етук кадрлар тайёрлаш сиёсатининг концептуал асослари</i>	160
<b>Қандов Б.М.</b>	<i>Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишида ҳуқуқий таълимнинг ўрни</i>	164
<b>Қўйилев Т., Рахмонбердиева Н.</b>	<i>Минтақа хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош мезонидир</i>	168
<b>Ташметов Т.Х.</b>	<i>Миллий гояни ёшлар онгига сингдиришининг илмий-фалсафий жиҳатлари</i>	172
<b>Исмийилов А.З.</b>	<i>Фуқаролик жамиятида ҳуқуқий онгининг фалсафий онтологик асослари</i>	176
<b>Адамбаев У.Х.</b>	<i>Аргументлаш ва ишонч-этиқоднинг шаклланиши</i>	180
<b>Махмудов М., Бердиев А.</b>	<i>Маънавиятнинг ижтимоий омилларини оптималлаштириши – давр талаби</i>	184
<b>Ражабов Ж.</b>	<i>Жамият модернизациялашуви шароитида сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўрни</i>	187
<b>Халилов Ж., Ахмедов А.</b>	<i>Соглом авлод камолоти – ислоҳотлар мақсади</i>	190
<b>Маматқулов Э.</b>	<i>Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириши</i>	193

**ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ҲУҚУҚИЙ  
ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ****Қандов Б.М. –***ҚДПИ доценти в.б., ф.ф.д. (PhD)*

Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қайд этилган фикр-мулоҳазалар, белгилаб берилган вазифалар қайси соҳа ва тармоққа тааллуқли бўлмасин, уларнинг барчасини замирида, энг аввало, фуқароларимизнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тўлиқ таъминлаш гоёси мужассам эканини англаймиз. Дарҳақиқат, кейинги вақтларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар бу борадаги халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга босқичма босқич имплементация қилган ҳолда изчил ва тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда.

Шахс, фуқаро ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини тўлиқ даражада англаб етиши, улардан фойдалана олиши ва ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларнинг унинг зиммасига юклайдиган жавобгарлигини билиши учун унда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик мавжуд бўлиши керак. Албатта, ҳуқуқий онги бўлмаган ёки паст бўлган ёки ҳуқуқий маданият ва саводхонликка эга бўлмаган шахс тегишли ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдалана олмайди дегани эмас, чунки тегишли доирадаги ҳуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан қафолатланган бўлиб, давлат шахс, фуқаронинг унга тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади ва у томонидан унга юкланган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, тегишли даражадаги ҳуқуқий онгга ва ҳуқуқий саводхонликка эга бўлмаган шахс ўз ҳуқуқ ҳамда эркинликларидан тегишли даражада фойдалана олмайди. Ҳатто давлат томонидан қафолатланган ва ҳимоя қилинадиган бу ҳуқуқ ҳамда эркинликлар у учун декларатив ҳолатда қолиб кетиши мумкин. Эркин фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлатни қуришга бел боғлаган эканмиз жамиятимиз аъзоси бўлган ҳар бир шахснинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлиги доимий тарзда эътиборимизда бўлмоғи лозим. «Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билим ҳамда моддий, маънавий, ахлоқий ва бошқа мафкуравий омиллар асосида шаклланиб ва ривожланиб боради. Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг етуқлиги ва онглилигини кўрсатувчи меъёрдир. Ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина ҳуқуқий билимли ва маданиятли ҳисобланиши мумкин»[1, 16].

Давлатимиз мустақилликка эришганидан кейин педагогик фикрлар умумий тарзда ривожлана борди. Ҳуқуқий педагогика шахсда ҳуқуқий онгнинг вужудга келишига, ушбу онгни оширишга жавобгар бўлади. Уларни амалиётга жорий қилиш ҳам долзарб вазифалардан бўлиб келди. Ҳуқуқий педагогика атамасига таъриф берадиган бўлсак «ҳуқуқий педагогика бу ҳуқуқий онгнинг вужудга келиши, ҳуқуқий ривожланиш соҳасида тарбиялаш унга таълим бериш ҳақидаги фандир»[2, 9]. Ҳуқуқий педагогика жамиятда ҳуқуқий тарбиянинг шакллари, ҳуқуқий тарбияни жорий қилиш шарт-шароитлари ҳамда асосий тамойилларини ҳам ўрганади.

Бугунги кунда ҳуқуқий педагогика билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган муаммолар доираси кенгайиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, ҳуқуқий таълим-тарбия таъсири остига жамиятимизнинг барча қатламлари вакиллари тушган. Шундай бўлсада, ҳуқуқий педагогика авваламбор вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишни ўзининг бирламчи вазифаси деб билади. Педагогиканинг янги бир йўналиши, соҳаси, бўлган ҳуқуқий педагогика жамиятимизнинг барча қатлам вакилларига ҳуқуқий таълим-тарбия беришни ташкиллаштиришни ўрганади, бошқа давлатлар амалиёти билан танишади ва амалий маслаҳатларни ишлаб чиқишга кўмаклашади. Ҳуқуқий педагогиканинг предмети давлатимизнинг миллий ҳуқуқий тизими олдида қўйган вазифаларидан келиб чиқади. Мафкуравий вазифалар ҳуқуқий педагогиканинг предмети ҳисобланади.

Ҳуқуқий таълим тарбиянинг мақсади турли хил юридик муносабатларда ўзини йўқотиб қўймастик, давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмуни, моҳиятини англаб етиш учун ҳар бир шахсда тегишли сифатларни вужудга келтириш ҳисобланади. Ҳуқуқий педагогика фаолиятининг объекти бўлиб шахс ҳисобланади. Бунда у ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг соҳиби бўлади. Ҳуқуқий педагогиканинг илмий қизиқишини ҳуқуқий мафкурани жорий қилиш, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни оддий, кундалик даражадан ошириш,

юқорига тиклаш ташкил қилади. Шундай экан, ушбу ҳуқуқий педагогиканинг илмий вазифаларини амалга ошириш ҳуқуқий онгнинг вужудга келиши ва ривожланиши шарт-шароитларини ўрганиши ҳамда тадқиқ қилиш ҳисобланади. Бундан ташқари, инсонларнинг ҳуқуқий онгига таъсир қилиш йўллари, методлари, шакллари, рационал йўналишлари ишлаб чиқиш ҳуқуқий педагогиканинг асосий вазифаларидан ҳисобланади[2, 10].

Ҳуқуқий тарбия ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий маданият, тегишли даражадаги ҳуқуқий мулоқотни шакллантириш мақсадида тарбияланувчиларнинг онги, руҳи (психологияси)га аниқ, мақсадга мувофиқ ва тизимга солинган таъсир ҳисобланади[2, 35]. «Ҳуқуқий тарбия – фуқароларнинг онги ва руҳиятига таъсир қилишга қаратилган, режалаштирилган, бошқариладиган, уюштирилган, тизимли, мақсадга йўналтирилган, ҳозирги замон, ҳуқуқшунослиги тасарруфида мавжуд бўлган турли хил ҳуқуқий тарбия шакллари, воситалари ва услубларидан фойдаланиб, фуқаролар онгида чуқур ва барқарор ҳуқуқий билимлар, эътиқодлар, эҳтиёжлар, кадриятлар, қонунга мос феъл-атвор, одатларни шакллантириш жараёнидир»[3, 341]. Ҳуқуқий тарбия ягона ва кенг қамровли тарбиявий комплекснинг таркибий қисми бўлган ҳолда ҳуқуқий ходисаларнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳуқуқий тарбия бошқа, жисмоний, руҳий, эстетик тарбиядан кейин бошланади деган фикрига қарши чиқиш мумкин, чунки ҳуқуқий тарбия қанча вақтли бошланса унинг самараси шунчалик юқори бўлади. Тўғри, ҳуқуқий тушунчаларни ёшларга тушунтириш анча қийин масала ҳисобланади, лекин умумий тушунчалар, тамойилларни ёшлар онгига сингдириш мумкин. Бу эса ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг тамал тоши ҳисобланади.

Тақидлаш лозимки, 16 ёшга келиб инсон ўз онгида анча миқдорда мафкуравий материални тўплаган бўлади. Бу ёшга келиб у ўзининг дунёқараши шаклланишини охириги босқичига етган бўлиб, ўрта ёки махсус таълимни тамомлаётган бўлади. Турли таъсирлар, омиллар таъсири вояга етмаган шахснинг онгида жуда чуқур из қолдириши, унинг дунёқарашини яхлит ҳолга келтириш мумкин. Шу даврдаги таъсирлар шахснинг ҳаёт фалсафасининг аксарият қисмини ташкил қилади. Шунинг учун ўсмирлар ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий педагогиканинг энг асосий ва муҳим объекти бўлиши шарт. Ҳозирги кунда инсон қалби ва онги учун ашаддий кураш кетаётган экан ҳуқуқий тарбияни иложи борича эрта бошлаш лозим деб ўйлаймиз.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси тадқиқотчиларнинг таъкидлашича ҳуқуқ тизимининг тартибга солувчи ва ҳимояловчи функциялари билан биргаликда ижтимоий тарбия функцияси ҳам мавжуд. Умумий ижтимоий институтларнинг биргаликда бир-бирига боғлиқлиги бор. Шундай экан, ҳуқуқнинг тарбияловчи механизми унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи механизмга ўхшашлиги мантиқан тўғри бўлади. Ҳуқуқий тартибга солиш механизми ва ҳуқуқий тарбия институтлари битта методологик тизимда (текисликда) жойлашган. Агар ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбиянинг умумий даражаси паст бўлса, ҳуқуқий тартибга солиш жараёни шу даражада қийин бўлади. Ҳуқуқий онгнинг мафкуравий қисми давлат иродаси билан боғлиқ бўлиб, давлат иродаси эса ҳуқуқий тартибга солишнинг асосини ташкил қилувчи юридик нормаларга ўз таъсирини кўрсатади[2, 18]. Тегишли мезонга асосланган ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий муҳитнинг барқарорлигига ўз таъсирини кўрсатгани учун, бевосита ҳуқуқий онгга таъсир қилади. Мисол тариқасида қуйидаги ҳолатни келтириб ўтишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хусусий мулкка эгаллик қилиш ва унинг ҳимоя қилиниши ҳақидаги норманинг мавжудлиги, бир томондан инсонларда хусусий мулкка бўлган ҳуқуқнинг мавжудлиги ва хотиржамликни берса, иккинчи томондан мулкнинг ҳимоя қилиниши инсонларнинг давлатга бўлган ҳурмати ва ишончини оширади. Буларнинг барчаси ҳуқуқий тартибга солишни осонлаштиради. Бошқа Конституциявий нормалар ҳам худди шундай ролни бажарадилар. Бу нормаларнинг ўзи фуқароларга, бу нормаларнинг ҳимояланганлиги ва кафолатланганлигини билдиради. Тўғри, собиқ шўролар даврида Конституцияда кўпгина ҳуқуқ ва эркинликлар берилган. Лекин улар фақат қозғоғга яъни декларатив ҳолатда бўлганлиги туфайли инсонларнинг давлатга бўлган ҳурмати ҳам декларатив ҳолатда бўлган. Буларнинг барчаси ҳуқуқий тартибга солишнинг «психологик механизми»ни ташкил қилади. Унинг асосий мақсади ўсмирларни, муомала лаёқати бўлмаган вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳаётга тайёрлайди. Бундан мафкуравий гоёлар ушбу механизмнинг асосини ташкил қилади.

Ҳуқуқий тарбия воситалари шакллари ва тегишли шарт-шароити ҳақида гап бошлашдан олдин ҳуқуқий тарбия доираси ва механизми ҳақида фикр юритишимиз лозим.

Ҳуқуқий тарбия доираси – бу инсонларда ҳуқуқий тушунчаларнинг шаклланишига бевосита ёки билвосита таъсир қилувчи объектив тарзда вужудга келувчи шарт-шароитларнинг йигиндиси

ҳисобланади. Ушбу шарт-шароитлар доираси ва асосида ҳуқуқий маданият вужудга келади ва ҳуқуқий таълим тарбиянинг амалга оширилишида вужудга келадиган муаммолар бартараф қилинади. Ушбу шарт-шароитларнинг энг асосийси фаол ижтимоий фаолият ҳисобланади. Лекин ҳуқуқий тарбия доираси учун энг муҳим ижтимоий тузум ҳисобланади. Бунда ижтимоий тузумнинг асослари юридик воситаларга асосланади ва улар билан ҳимоя қилинади. Ҳуқуқий таълим тарбия жараёнида қонун чиқариш фаолияти, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқии муҳофаза қилиш, ҳуқуқии қўллаш амалиёти ўзига хос ролни ўйнайдилар.

Ҳуқуқий тарбия механизми тарбияланувчи онгига таъсир қилувчи тарбия омиллари бўлиб, улар мафкура каналлари орқали амалга оширилади. Бу механизмнинг фаолият кўрсатишда мафкуравий гоёлар асосий ролни ўйнайди. Бунда мафкуравий гоёлар илмий асосланган бўлиб, давлат сиёсати билан бевосита ва узвий боғлиқдир. Иккинчи ўринда ҳуқуқий психология ҳисобланиб, у давлат сиёсатини ҳуқуқий воситалар орқали ҳаётга тадбиқ қилишга ёрдам беради.

Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий педагогиканинг асосини ташкил қилгани учун унинг таркибий қисмлари билан қисқача бўлсада танишиб ўтдик. Ҳуқуқий тарбияни жамиятимизнинг турли қатламларига таъсирини ўлчаб, кадрлаб бўлмайди, чунки кадрсиздир. Ҳуқуқий тарбия ва маданият баркамол авлодда юқори даражада бўлиши лозим. Шундай хислатларга эга бўлган ёшлар тўлиқ демократик, фуқаролик жамиятини барпо қилиши мумкин. Ўсиб келаётган авлоднинг ҳуқуқий тарбиясига зарар етмаслик, уларнинг ҳуқуқий маданиятини етарли даражага кўтариши учун қўйилган вазифалар ўз ечимисиз қолмаслиги учун, уларнинг ҳуқуқий ривожланиши масаласига вояга етган, катта ёшдагиларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий тарбия воситалари билан ёндашмаслик лозим.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини ташкиллаштириш тамойилларини аниқлаш ва уларни амалга ошириш учун ушбу ҳолатни эътибордан қочирмаслик керак. Биринчидан, вояга етмаганларнинг руҳий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, психологик қонунлар таъсирининг хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Иккинчидан, педагогика эришган ва амалиётда синовдан ўтган психологиясини ҳисобга олиб тегишли ҳуқуқий тарбия шакллари ва воситаларнинг ишлаб чиқиш ҳамда уларга асосан ҳуқуқий жараёни куриш. Учинчидан, вояга етмаганларнинг қизиқишлари ва интилишларидан келиб чиққан ҳолда улар ҳақида йиғилган маълумотлардан тўғри фойдаланиш.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш, ошириш учун қўлланиладиган шакл ва воситалар тизими тарбияланувчиларнинг ёши, улар ўқиши ёки фаолияти ўтадиган жойлар ва муҳит, маълумоти ва маданияти даражасига қараб ўзгариб бориши лозим. Турли хил ёшдаги вояга етмаганларга нисбатан турли хил ҳуқуқий тарбия воситалари қўлланилиши лозим. Агар катта ёшдагиларнинг ҳуқуқий тарбиясида унча бўлмаган тарбия воситаларидан фойдаланилса вояга етмаганлар ҳолатида бунга йўл қўйиб бўлмайди. Вояга етмаган шахснинг онги, руҳи ва тарбиясига таъсир ўтказишда индивидуал ёндашув бўлиши керак. Болалар, ёшлар, ўсмирларнинг тарбиясида ҳар томонлама ўйланган комплекс тарбия шакли бўлиши керак, бу вояга етмаганларнинг ҳуқуқий педагогикасининг янада мураккаблаштиради. Бунда ҳуқуқий педагогика умумий педагогикага жуда яқин бўлиб, у умумий педагогика ютуқларидан унумли фойдаланади, ҳуқуқий тарбия бу босқичда умумий, ахлоқий тарбиянинг мантиқий давоми ҳисобланади. Умумий тарбиядан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий тарбиянинг шаклланиши вужудга келади.

Яқин ва узоқ келажакимиз қўлларидан бўладиган ёшларимизнинг ривожланиш босқичларига юзаки назар ташлайдиган бўлсак, умумий педагогика билан ҳуқуқий педагогиканинг шакл ҳамда воситаларининг қай даражада ўзаро боғлиқлигини яққол кўришимиз мумкин. Хусусан, бу боғлиқлик вояга етмаганлар жуда ёш бўлганликларида жуда кучли бўлади[2, 78].

Болалик даври инсоннинг ривожланиши босқичдаги шундай пайтки, унинг онги ва психикасида онгли, ақлли одамга хос умумий тушунчалар вужудга кела бошлайди. Бу даврда инсон бирор нарсани қилишдан олдин ўйлайдиган бўлади. Бунда у бирламчи инстинктлардан воз кечиб, онгли фаолият ва хатти-ҳаракатлар қиладиган бўлади. Болалик даври 11 ёшгача давом этиб, унинг ўзи 5 та босқичга бўлинади.

Бошлангич мактабда болада атроф табиий-муҳит ҳақида умумий-илмий маълумотлар йиғилганидек, бу даврда унинг онгида ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида умумий тушунчалар пайдо бўла бошлайди. Худди шу даврда бола онгида адолат ва ахлоқий баркамоллик тушунчаларини сингдириш лозим. Бу даврда вояга етмаган шахс жуда таъсирчан, сезгир бўлганлиги ва тегишли ҳаётий тажрибага эга бўлмаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак уни турли салбий таъсирлардан, тушунчалардан асраш лозим. Бунда асосий ролни унинг тарбиячилари ҳамда педагоглари ўйнайди. Агар улар ўз ишини пухта биладиган ҳамда зиммаларига юкланган жавобгарликни тўла англаб

етсалар болалар салбий таъсирларга дучор бўлмайдилар. Бу даврда ҳуқуқий педагогика бола педагогикаси доирасидан чиқмаган ҳолда амалга оширилади. Демак, болалар мафкуравий соғлом бўлишлари учун **биринчидан** замон талабларига жавоб берадиган мактаб педагогикаси, **иккинчидан** соғлом мафкуравий тушунчаларга эга бўлган кадрлар, яъни тарбиячи педагоглар талаб қилинади. Ўсмирларга келадиган бўлсак, улар ҳали болаликни тўлиқ ҳис этмаган ва катталар ҳаётига тўлиқ кириб келмаган бўлсаларда маълум даражада ҳаётий тажрибага эга бўлиб, атроф-муҳитда руй бераётган воқеаларга нисбатан ўз фикрларини билдира олишади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунчаси улар онгида тўлиқроқ жойлашган бўлиб қаерда ҳуқуқ ва мажбуриятлар бошланиб, қаерда тугашни ўзларига тасаввур эта оладилар. Ўсмирлар жамиятда мавжуд бўлган турли қарама-қаршиликларга жуда сезгир бўлганликлари учун уларнинг қалби ва онгини ҳимоя қилиш жуда муҳим масала ҳисобланади. Ўсмирларнинг онги ва қалби учун бўлган кураш ҳуқуқий тарбияни ҳам ўз ичига олади. Бунда ҳуқуқий тарбиянинг асосини ташкил қиладиган асосий ҳуқуқий тушунчалар мафкуравий гоёларга асосланган бўлади. Қонун устуворлигини англаш учун ўсмир сиёсий ва гоёвий тамойилларни англаб етиш лозим. Ўсмир жавобгарлик тушунчасини англаб етиб, ўз хатти-ҳаракатларини қонун доирасида содир этиш лозимлигини тушуниши лозим. Қонун бу мажбурлаш эмас, балки озодлик эканлигини тушуниш лозим бўлган ўсмир, ушбу қонунларни ҳимоя қиладиган давлатни ҳурмат қилиш гоёсида тарбияланиши лозим. Қонун устуворлигини тўлиқ англаб етган ёшлар ўзларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича мустақил ишларни олиб борадилар, чунки ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини англаб етган ёшлар ўз ҳуқуқларини талаб қила оладилар ва ўзлари ўз навбатда бошқа биронинг ҳуқуқини бузсалар тўлиқ даражада жавобгар бўлишларини англаб етадилар.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 464 бет.
2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йулидан. - Т.: «Ўзбекистон», 1996 й. 4-жилд 186 - бет.
3. Рябко И.Ф. Основы правовой педагогики. – Ростов на Дону. 1973. – С. 9.
4. Саидов А., Тожионов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: “Адолат”, 2001. – 341 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. Нью-Йорк шаҳри, “Халқ сўзи”, 2017 йил 19 сентябрь.

#### РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада бугунги кунда педагогик фикрлар умумий тарзда ривожлана бораётганлиги ва ҳуқуқий педагогиканинг шахсда ҳуқуқий онгининг вужудга келишига, ушбу онгни оширишдаги роли таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, ҳуқуқ, мажбурият, қонун, шахс, фуқаро, ҳуқуқий педагогика, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик, фуқаролик жамияти.

#### РЕЗЮМЕ:

В данной статье анализируется развитие педагогической мысли и роль юридической педагогики в формировании правосознания молодого поколения, и развитии его сознания.

**Ключевые слова:** Новый Узбекистан, право, обязанность, право, человек, гражданин, правовая педагогика, правовая культура, правовая грамотность, гражданское общество.

#### RESUME:

This article analyzes the development of pedagogical thought in general today and the role of legal pedagogy in the formation of legal consciousness in the individual, in the development of this consciousness. It was also revealed that their implementation is also an urgent task.

**Keywords:** new Uzbekistan, right, duty, right, person, citizen, legal pedagogy, legal culture, legal literacy, civil society.